

Ғолиблар

Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" совринини қўлга киритган кутубхоначилар иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати Зарафшон шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактаби кутубхоначиси Сайёра Зоирова ҳамда Навоий педагогика институти АРМ кутубхоначиси Мавжуда Абдуллаеваларни ғолиб деб топди ва улар республика кўрик-танловига йўлланма олдилар.

Шамсия БАҚОЕВА,
АКМ директори ўринбосари